

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ АЗИЗЖОН ЯХЁЕВИЧ**

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРО ОЎҚЛАРИ**  
**КРИТИК ИШЕМИЯСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН БОЛДИР**  
**АМПУТАЦИЯСИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Рахимов Азизжон Яхёевич**

Қандли диабет билан хасталанган бемор оёқлари критик ишемиясида  
такомиллаштирилган болдир ампутацияси

.....

5

**Рахимов Азизжон Яхёевич**

Усовершенствованный способ ампутации голени при критической  
ишемии нижней конечности у больных сахарным диабетом

.....

26

**Rakhimov Azizjon Yakhyoevich**

Improved way of amputation of the crus at  
critical ischemia of the lower extremity at patient's diabetes mellitus.....

46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

50

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ АЗИЗЖОН ЯХЁЕВИЧ**

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОР ОЁҚЛАРИ**  
**КРИТИК ИШЕМИЯСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН БОЛДИР**  
**АМПУТАЦИЯСИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро-2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Тиб441 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти ва Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ФДБТ А.В. Вишневский номидаги жарроҳлик МТТИда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Сафоев Бақодир Барноевич**

тиббиёт фанлари доктори

**Митиш Валерий Афанасьевич**

тиббиёт фанлар номзоди

(Россия Федерацияси)

**Расмий оппонентлар:**

**Щёголев Александр Андреевич**

тиббиёт фанлар доктори, профессор

(Россия Федерацияси)

**Бабаджанов Азам Хасанович**

тиббиёт фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Кубан давлат тиббиёт университети**

(Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Тиб.93.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг 2020й«\_\_» \_\_\_\_\_соат\_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200100, Бухоро ш., Навои шоҳ кўчаси, 1. 10. Тел.: (+99365) 223-00-50; факс: (+99365) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru)).

Докторлик диссертацияси билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( ) рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 200100, Бухоро ш., Навоий шоҳ кўчаси, 1. 10. Тел.: (+99365) 223-00-50; факс: (+99365) 223-17-53. e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил “\_\_” “\_\_\_\_\_” даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш.Иноятов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

**Н.У.Нарзуллаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори

**Н.А.Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда XX асрнинг сўнги 10 йиллиги ва XXI асрнинг бошлари қандли диабет (ҚД) билан хасталанган беморларни даволашда иштирок этадиган мутахассисларнинг алоҳида эътибори оёқларида критик ишемияси мавжуд диабет тоvon синдромига (ДТС) қаратилди. Қандли диабет ва унинг асоратлари «...артериал ва микроциркуляр оқим, периферик нерв тизими, оёқларнинг суяк-бўғим аппаратларидаги патологик жараёнларни бевосита бирлаштирувчи оёқлардаги ярали-некротик жараён ва оёқ гангренази хавф ривожланишини акс эттиради...»<sup>1</sup>. Баъзи эпидемиологик тадқиқотлардаги маълумотларга кўра, «...периферик артериялар касаллигининг диабетли беморларда тарқалиши 10-40% ҳолатни ташкил этади, оёқнинг ярали нуқсонлари мавжудлигида эса 50% ни ташкил этади...»<sup>2</sup>. Томирлар атеросклерози 80-90% ҳолатда оёқларнинг сурункали ишемияси келиб чиқишига сабаб бўлади. Айниқса ушбу патология кўпинча 60 ёшдан ошганларда кузатилади.

Жаҳонда 2015-2016 йилларда олиб борилган тадқиқотларга кўра, 2-типдаги қандли диабетнинг тарқалиши 35 ёшдан юқори шахслар орасида 7,9% фоизни ташкил этади. Қандли диабет асоратлари ҳам тиббий ҳам ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан муҳим муаммо бўлиб ёшлар орасида 2-типдаги қандли диабет билан оғриган беморлар сонининг ошиши натижасида келиб чиқади. Қандли диабетнинг кечки асоратлари рўйхатида диабетик оёқ синдроми етакчи ўрин эгаллайди ва эрта ногиронлик ҳамда ўлимга олиб келиши, қандли диабет ҳолатида критик ишемия сабаб оёқлар ампутациясининг қониқарсиз натижалари оёқлар ампутациясида операциядан кейинги эрта асоратлар олдини олиш муаммоларини ўрганишнинг долзарблиги ва ижтимоий аҳамиятини белгилаши, ушбу беморларни жарроҳлик билан даволаш тактикасини оптималлаштириш, ўз навбатида эрта ташхисотни ва касаллик оқибатини яхшилаш зарурлигини кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни янги даражага кўтариш борасида мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш доирасини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>3</sup> га қаратилган муҳим вазифалар

<sup>1</sup> Дедов И.И. Поражения нижних конечностей при сахарном диабете: атлас для врачей. - М.: Институт проблем управления здравоохранения, 2013. - 56 с.

<sup>2</sup> Деев Р.В. Отдаленные результаты применения р1-VEGF165 при хронической ишемии нижних конечностей вследствие облитерирующего атеросклероза // Кардиология и сердечно-сосудистая хирургия. – 2015. – 8 (4). – С. 43-49.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

кўйилди. Ушбу йўналишда, хусусан, ОКИ да ҚД бўлган беморларни жарроҳлик билан даволаш сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришиш, шу билан биргаликда, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш учун ОКИда ДТСни жарроҳлик йўли билан даволашнинг янги усуллари самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижаларни ишлаб чиқишга қаратилган инновацион технологияларни ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Қандли диабет фонида критик ишемия сабаб оёқлар ампутациясининг қониқарсиз натижалари оёқлар ампутациясида операциядан кейинги эрта асоратлар профилактикаси муаммоларини ўрганиш тадқиқотнинг долзарблиги ва ижтимоий аҳамиятини белгилайди, бу эса ушбу беморларни жарроҳлик даволаш тактикасини оптималлаштириш заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот иши республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўтказилган кўплаб тадқиқотлардаги маълумотларга кўра, қон-томир йўлларининг стенозловчи ва окклюзив зарарланиши умумий аҳолига нисбатан диабет мавжуд эркакларда 53 марта, аёлларда 71 марта кўпроқ гангрена ривожланишига олиб келади. Бу борада ёшга кўра гуруҳларга бўлиш қуйидагиларни кўрсатди: 50 ёшгача диабет бўлган беморларда гангрена углевод алмашинуви нормал бўлган худди шу ёшдаги шахслар билан таққослаганда 156 марта кўпроқ, 50-60 ёшлиларда 85 марта кўпроқ, 70 ёшдан юқориларда 53 марта кўпроқ ривожланади (Галстян Г.Р., Токмакова А.Ю., Бондаренко О.Н., Митиш В.А., Каримов Ш.И., 2017).

ОКИ ногиронлик ва ўлим ҳолатининг юқори даражаси билан тавсифланади. Беморларни энг кўп ногиронликка олиб келувчи болдир ёки сон юқори ампутациялари ҳисобланиб, 25-30% ҳолатларда ОКИ бўлган беморларнинг дучор бўлиши тасдиқланган (Волошин В.Н., Кательницкий И.И., Faglia E. ва ҳаммуал., 2016). Дунё олимларининг маълумотларига кўра, Москвада ҳар йили ДТС сабабли 1500 дан 2000 тагача ампутациялар амалга оширилади, бу эса 100000 аҳолига 15-20 та одамни ташкил этади. Оёқларнинг “юқори” ампутациялар натижасида ўлим 25-50%га етади (Удовиченко О.В. Чепцов Р.О. ва ҳаммуал., 2015).

Жаҳондаги олимларнинг маълумотларига кўра, ҚД ва ОКИ бўлган беморларда ўлим ҳолати 5 йил ичида 30 фоизни ташкил этади. Турли муаллифларнинг фикрига кўра, оёқларнинг периферик қисмларидаги нореконструктив қон-томир тизими мавжуд бўлган ҚД фонида ОКИ бўлган беморлар сони 80 фоизга етади. Бундай беморларга оёқ ампутацияси ҳаётий кўрсатма асосида мажбурий тарзда амалга оширилади (Бокерия, Л.А., Jude E.В., Дибиров М.Д., 2016).

Замонавий босқичда реваскуляризациянинг кўплаб турли вариантлари ва операция ёки консерватив даволаш турини танлашда стратегиянинг муайян жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар нафақат касаллик кечишининг даражасига, шунингдек, қон-томир зарарланишининг жойлашган ўчоғига ҳам боғлиқ. Маҳаллий ва хорижий матбуотдаги нашрлар шуни кўрсатадики, замонавий тиббиёт илм-фани ривожлантиришнинг ҳозирги цивилизациялашган чегарасида жарроҳлик аралашувининг тури хилма-хиллиги ва ангиология ҳамда ангиохирургиядаги ютуқларга қарамай оёқ ампутацияси 15-30% ҳолатда артериал қон айланишнинг қайта тикланмайдиган, барқарор бузилиши ривожланганлигида беморларни оғир азоблардан халос этадиган ягона операция ҳисобланади. ОКИнинг клиник белгилари билан ампутация қилиш барча амалга оширилган ампутацияларнинг 90 фоизига тўғри келади (Paulus N., Benoit E., Гаибов А.Д., Eskelinen E., 2015).

Россияда қон-томир генезли юқори ампутацияларининг ўртача йиллик сони 1 миллион аҳолига 300 ҳолатга тўғри келади, бу эса бир йилда камида 20 минг ҳолатни ташкил этади. Шу билан бир вақтда меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморларда оёқлар ампутацияси сони ортиб бормоқда. Тизза бўғимидан пастки ампутация 70% фоиздан ортиқ ҳолатда амалга оширилади. Тиззадан тепа қисмидан ампутация қилинган беморларга нисбатан тиззадан пастки қисмидан ампутация қилинган беморларда реабилитация даражаси юқори, шунингдек, 65 фоиздан кўпроғи енгил протезланади (Aulivola, B. et al., 2018).

Ампутация соҳасини танлаш усулига ва жарроҳлик амалиётига кўйиладиган кўрсатма ва талабларга боғлиқ муаммолар тўлақонли ҳал қилинмаган. Шунингдек, бугунги кунда клиник амалиётда оёқларнинг сурункали критик ишемиясида тўқималар ҳаётийлигини баҳолаш учун оддий ва ишончли объектив усуллар ва операциядан кейинги эрта асоратларни прогнозлаш ва ривожланишини олдини олишга имкон берадиган усуллар мавжуд эмас.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан мослиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг 02.2018.PhD.014-сонли «Бухоро минтақасида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш (2014–2019)» илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** оёқларида критик ишемияси бўлган диабет товоон синдроми мавжуд беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини болдир ампутациясининг оптимал чегарасини аниқлаш орқали яхшилашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

оёқларида критик ишемияси бўлган, анъанавий усулда болдирдан ампутация қилинган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш;

маҳаллий транскутан оксиметрия тадқиқоти натижалари ва операциядан кейинги жароҳатда дренаж-ювиш тизимидан олинган ажралмадаги микроорганизмларнинг сон ва сифат таркибини ўрганиш асосида болдир ампутациясини танлаш имкониятларини оптималлаштириш;

аънавий антисептик эритмалар (фурациллин, хлоргексидин) га таққослаб, 0,02% ли антисептик эритма Декасан (in vitro)нинг микробларга қарши самарадорлигини баҳолаш;

тизимли микробларга қарши даволаш билан болдирдан ампутация бажарилган ва аэроб ҳамда анаэроб микроорганизмларларни ҳисобга олган ҳолда тизимли, маҳаллий микробларга қарши терапия ва транскутан оксиметрия маълумотлари асосида болдирдан ампутация бажарилган беморларнинг тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлил қилиш.

**Тадқиқот объекти** бўлиб Бухоро шаҳар касалхонаси ва Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. В. Вишневский номидаги хирургия миллий тиббий тадқиқот марказида 2003-2019 йилларда даволанган 172 нафар оёқларида критик ишемияси мавжуд ДТС билан хасталанган бемор бўлди.

**Тадқиқот предмети** ОКИ мавжуд ДТС бўлган беморларда болдир ампутациясида транскутан оксиметрия ( $tcpO_2$ ) ни қўллаш ва клиник-биокимёвий ҳамда тактик-техник жиҳатларни тадқиқ қилиш асосида хирургик даволашнинг қиёсий усулларини ишлаб чиқишдан иборат. Тажрибавий тадқиқот учун микроорганизмларнинг турли штаммлари ўрганилди, бу экилган штаммлар кўпроқ текширилаётган беморларнинг чўлтоқ ички ва камбалосимон мушаклар оралиғига қўйилган дренажлардан ажралган ажралмаларни бактериологик текшириш натижасида аниқланди.

**Тадқиқот усуллари** белгиланган вазифа ва мақсадларга эришиш учун қўйидаги текшириш усулларида фойдаланилди: клиник, клиник-лаборатор, инструментал (ультратовушли дуплекс ангиосканерлаш, ангиография, транскутан оксиметрия), бактериологик, нурли ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

болдирдан ампутация чегарасини белгилаш усули, болдир тўқималаридаги кислороднинг базал даражасини ва камбалосимон мушаклардаги микрофлораларнинг мавжудлиги тадқиқоти натижаларига асосан аниқланган;

оёқлардаги  $tcpO_2$  базал даражаси болдир суяклари узунлигини (катта болдир суяги) ҳисобга олиб, болдир  $tcpO_2$  базал даражасини аниқлашнинг

патогенетик асосланган формуласининг ишлаб чиқилиши, болдир ампутациясининг оптимал чегарасига мос келиши аниқланган;

операциядан кейинги жароҳатларни 0,02% ли декасан эритмаси билан ювишдан кейин ажралган ва дренаж-ювиш тизимини олиб ташлашдан олдин 1 гр тўқимадаги ва 1 мл ажралмадаги микроорганизмлар миқдор динамикаси аниқланган;

олиб ташланган камбалосимон мушак майдонини зарурий интраоперацион санацияси, кейинги дренажлаш ва операциядан кейинги жароҳатларни 0,02% ли антисептик эритма декасан билан ювиш ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларни ўз ичига олади:

болдирнинг турли нуқталарида  $\text{tcpO}_2$  кўрсаткичларини ҳисобга олиб бажарилган болдир ампутациясининг оптимал чегараси оёқларнинг критик ишемиясили диабет тоvon синдроми (ДТС) бўлган беморларни жарроҳлик билан даволашнинг энг самарали усули эканлиги аниқланди;

транскутан оксиметрия аппарати ёрдамида болдир тўқималаридаги  $\text{tcpO}_2$  аниқлаш  $\text{tcpO}_2$  базал чегарасини баҳолашнинг энг информатив усули ҳисобланиб, болдир тўқималаридаги кислородининг парциал босими болдирнинг турли нуқталарига аппарат датчигини ўрнатиш орқали аниқланди;

транскутан оксиметрия ўтказишнинг имкони йўқлигида қуйидаги формула бўйича болдир ампутациясининг оптимал чегарасини аниқлаш таклиф этилди (Сафоев Б.Б., Рахимов А.Я.):

$$X = \frac{28 \cdot n}{100} \text{ см}$$

n - tuberositas tibia ва malleolus medialis ўртасидаги сантиметрда масофа

x -  $\text{tcpO}_2$  30 мм.рт.ст. сантиметрдаги базал чегара.

28- ўзгармас сон константа

камбаласимон мушаклар олиб ташлангандан сўнгги майдонда аэроб ва анаэроб микроорганизмларнинг юқори даражада тарқалганлиги сақланиб қолиши исботланди;

камбалосимон мушаклар олиб ташланган майдонни 0,02% ли декасан эритмаси билан интраоперацион ва операциядан кейинги даврда ювиш йирингли-септик жараёнлар ривожланишининг олдини олишда оптимал усул эканлиги исботланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги**

Тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, замонавий, гистологик, морфологик, бактериологик лаборатория тадқиқот усуллари, инструментал: ультратовушли дуплекс ангиосканерлаш, ангиография, шунингдек, транскутан кислород босимини ўлчаш ёрдамида етарли ҳажмдаги клиник тадқиқотлар статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, текширилган клиник материалнинг етарлилиги, тадқиқотда материалларга статистик усуллар билан ишлов берилгани, олинган натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотчилар

тажрибалари билан таққослангани, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Ундан ташқари, барча натижалар далилий тиббиёт тамойилларига асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулоса ва тақлифлар назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, ДТС ва ОКИ бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик даволаш хусусиятларини ўрганишда сезиларли ҳисса қўшади. Оёқларнинг критик ишемиясида қандли диабет синдроми бўлган беморлар орасида Митиш бўйича болдир ампутациясининг оптимал чегарасини белгилашда оёқ тўқималарининг захиравий имконияти операциядан аввал баҳолашнинг комплекс хусусияти аниқланди. Жарроҳлик амалиётини режалаштиришда, операция усули танловини оптималлаштиришга имкон берадиган операциядан кейинги асоратлар профилактикаси учун камбалосимон мушакнинг ва болдир ампутация чўлтоғининг микробиологик тасвири ўрганилди. Ушбу тадқиқотнинг алоҳида натижалари ДТС ва ОКИ патогенези, клиникаси, ташхиси ва жарроҳлик билан даволашга бағишланган мавзулар бўйича аспирантурада таълим олиш дастурлари мазмуни ва структурасини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, транскутан оксиметрия ёрдамида болдир тўқималарини кислород билан тўйинганлигининг базал даражасини баҳолашни ҳисобга олиб Митиш бўйича болдир ампутацияси оптимал чегарасини аниқлашнинг тактик алгоритми ишлаб чиқилди. Болдир  $\text{tcpO}_2$  базал даражасини белгилашнинг патогенетик асосланган формуласи ишлаб чиқилди, бу эса болдир ампутациясининг оптимал чегарасига мос келади. Ишлаб чиқилган формула транкутар оксиметриясиз базал чегарасини белгилашга имкон беради ва амалий қўллаш учун ишончли ва қулай усул ҳисобланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши**

Қандли диабет фонида оёқларнинг критик ишемиясида ампутациянинг оптимал даражасини аниқлаш ва микроорганизмлар госпитал штаммларига нисбатан декасан (0,02%), фурациллин, хлоргексидин эритмаларининг микробларга қарши фаоллигини қиёсий тадқиқ қилиш бўйича олиб борилган клиник-тажрибавий тадқиқот натижалари асосида:

“Қандли диабет бўлган беморларда оёқларнинг критик ишемиясида болдир ампутацияси усуллари” мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 6 декабрдаги 8н-р/569-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома қандли диабет касаллиги фонида оёқлар критик ишемиясида оёқ тўқималарида кислород парциал босимининг базал даражасини аниқламасдан амалга оширилган жарроҳлик амалиёти асоратларини ўрганиш имконини берган;

“Қандли диабет бўлган беморларда оёқларнинг критик ишемиясида болдир ампутацияси мезонлари” мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 6 декабрдаги 8н-р/570-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома қандли диабет

касаллиги фонида оёқлар критик ишемиясида ампутация мезонларини қўллаш имконини берган;

Тадқиқот давомида ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро давлат тиббиёт институти клиник базасига қарашли, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази йирингли хирургия бўлими, Бухоро шаҳар клиник шифохонасининг клиник ва даволаш амалиётига ва даволаш жараёнига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 27 майдаги 8н-з/33-сон маълумотномаси). Амалиётга тадбиқ этилган натижалар оёқлар критик ишемияси мавжуд ДТС бўлган беморларни даволашда камбалосимон мушаклар олиб ташланган майдонни интраоперацион санація қилиш билан операциядан олдин  $\text{tcrO}_2$  базал даражасини белгилашни бирга қўллаш энг оптимал усул ҳисобланиб, операциядан олдинги ташхислаш ва тактика сифатини яхшилаш, асоратлар ва ўлим даражасини қисқартириш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 1 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши:**

Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш тизимига жорий қилиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Оёқлар критик ишемияси мавжуд қандли диабет билан хасталанган беморлар муаммоларининг замонавий қарашлари (адабиётлар шарҳи)**» биринчи бобида замонавий адабиётларнинг шарҳи келтирилган, шунингдек, ташхислашнинг ўзига хос хусусиятлари, диабетик товон синдроми фонида оёқларнинг критик ишемияси бўлган беморларни жарроҳлик амалиёти билан даволаш, ва ампутацияни амалга ошириш

техникалари ва ампутация чегарасини аниқлашда транкутан оксиметриянинг роли акс эттирилган.

Диссертациянинг “Тадқиқотнинг материал ва усуллари” деб номланган иккинчи бобда беморларнинг клиник характеристикаси келтирилган ва беморларни даволашда фойдаланилган воситалар, усуллар, тадқиқотнинг клиник-лаборатор ва инструментал усуллари тасвирланган.

Тадқиқот оёқлар критик ишемиясининг оғир даражада зарарланиши бўлган (IV-V по Wagner, 1979), 2003-2017 йиллардаги Бухоро вилоят кўптармоқли тиббиёт марказида ва 2017-2019 йиллардаги Россия Федерацияси А. В. Вишневский номидаги жарроҳлик илмий-тиббий тадқиқот марказида болдир ампутацияси амалга оширилган 172 нафар бемор текшируви ва даволаниши натижаларига асосланган.

Тадқиқот вазифаларига мувофиқ, барча беморлар шартли равишда икки гуруҳга бўлинди: қиёслаш гуруҳидаги 134 (77,9%) нафар беморда А.В. Вишневский номидаги жарроҳлик илмий тиббиёт тадқиқот маркази томонидан ишлаб чиқилган усул билан ОКИ бўлган ДТС мавжуд болдир соҳасидан ампутация қилинган беморлар ташкил этди. Асосий гуруҳни оёқларида ДТС нинг оғир даражадаги зарарланиши бўлган ва бизнинг усул билан болдир ампутацияси амалга оширилган 38 (22,1%) та беморлар ташкил этди. Асосий гуруҳдаги беморларда ампутация чегараси болдир юмшоқ тўқималарининг транкутан оксиметрия кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда белгиланди. Тадқиқотда гуруҳлар бир хиллиги учун оёқ артериясида реконструктив жарроҳлик амалиёти ўтказиш имконсиз (окклюзион-стенотик жараён тарқалишининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, чуқур йирингли-некротик зарарланиш сабаб) бўлган беморлар танлаб олинди.

Асосий гуруҳда беморларга  $\text{trcO}_2$  кўрсаткичларини ҳисобга олиб, камбаласимон мушаклар олиб ташланган майдонни 0,02% ли антисептик эритма декасан билан интраоперацион ва операциядан кейинги ишлов беришни кўшиш орқали болдирдан ампутация амалиёти амалга оширилди. Усулнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: ампутация чегарасини  $\text{trcO}_2$  кўрсаткичи 30 мм. рт. ст. даражадан кам бўлмаган миқдорда аниқладик. II гуруҳдаги барча беморларнинг ҳар бирида *tuberositas tibia* ва ампутация чегараси чизиги оралиғини ўлчаб чиқдик.  $\text{trcO}_2$  натижалари бўйича аниқланган ва охирида *tuberositas tibia* дан то *maleolus medialis* гача бўлган ўртача узунликни ҳисоблаш орқали ампутация оптимал чегарасини транкутан оксиметрсиз аниқлаш формуласи ишлаб чиқилди (усулнинг батафсил тавсифи IV бобда келтирилган). Атрофдаги тўқималардан камбалосимон мушакларни ажратиб, кесиб олиб ташлангандан сўнг, операциядан кейинги жароҳатни декасан эритмаси билан тозалаш ва мақсадли антибиотиктерапия ўтказиш учун операцион майдон ва атроф тўқималардан бактериологик тадқиқот мақсадида ювинди суюқлиги олинди. Касалхонага келтирилган беморларда умумий интоксикация ҳолати юқори эди: тана ҳарорати ошиши ёки барқарор субфебрилитет, оқариш, камҳаракатлилик, заиф юрак уриши фонида тахикардия, қонда ЭЧТ ошиши, лейкоцитоз ва лейко формуланинг чапга силжиши. Умумий симптомлар

билан параллел равишда касалликнинг куйидаги маҳаллий кўринишлари мавжуд эди; гиперемия, шиш ва оёқларнинг зарарланган соҳасида тўқималар инфильтрацияси. Даволаш жараёнида интоксикациянинг ушбу кўрсаткичлари, инфекция ўчоғида яллиғланиш реакцияси аста-секин нормаллашди.

Текширувларда умумқабул қилинган клиник, лабораториявий ва инструментал усуллардан фойдаланилди. Беморларни қабул қилишда кўпроқ эътибор анамнез йиғишга қаратилди. Оғриқ синдромлари, оқсоқланиш оралиғининг давомийлиги, юрганда оғриқ тавсифи ва ўчоғи, оғриқсиз юриш масофаси, тинч ҳолатдаги оғриқлар, уларнинг интенсиги, оёқларини горизонтал ва каравотдан туширган ҳолатда оғриқларнинг кучайиши ёки пасайиши ҳақида маълумотлар аниқланди. Беморни кўриқдан ўтказишда тери ранги, тирноқларнинг ғадир-будурлиги ва ғоваклиги, трофик яра ёки некроз мавжудлиги визуал баҳоланди. Объектив текширув куйидагиларни қамраб олди: типик нукталарда оёқ артерияси пульсини палпация орқали аниқлаш, аорта, ёнбош ва сон артериялар аортасини аускультациялаш. Барча беморларда дуплекс ангиосканерлаш амалга оширилди. Оёқларнинг критик ишемиясини аниқлаш учун тўпиқ-елка индекси ҳисобланди. Эндоген интоксикацияни аниқлаш учун интоксикациянинг лейкоцитар индексини ҳисобладик (Островский В.К., (1983)).

Барча беморлар орасида оёқлар артериал тизимининг окклюзив-стенотик зарарланиши билан кўп даражали зарарланиши кузатилди, жумладан, сон (умумий, юза ва чуқур), тақимости, болдир артериясида (олд ва орқа катта болдир суяк, суяклар оралиғи). Клиник текширув асосида васкуляризацияга кўра кейинги даволаш тактикаси аниқланди. Барча беморларда кўрсатмаларга кўра жарроҳлик амалиёти: оёқларни болдирдан ампутацияси амалга оширилди.

Клиник қон таҳлили эритроцитлар миқдори, гемоглабин таркиби ва тромбоцитлар сонини аниқлаш, скрининг тести сифатида эса лейкоцитлар миқдорини аппарат («Целлоскоп» мосламаси, Швеция) ёрдамида аниқлашни қамраб олди.

Бактериологик тадқиқот камбалосимон мушаклардан, шунингдек, операция вақтида жароҳат тўқималаридан ажралган ажратмаларни йиғиш орқали жароҳат микрофлораси ва унинг антисептикларга сезувчанлигини сифат ва сон жиҳатдан аниқлаш билан олиб борилди.

Гистологик материални 24-48 соат давомида 10%ли формалин эритмасида фиксация қилинди. Шундан сўнг биоптат 24 соат давомида 96<sup>0</sup> этил спиртига ботирилиб сақланди. Кейин препарат 1:1 нисбатдаги спирт ва хлороформ мураккаб эритмасида 30 дақиқага чўктирилди, «бўтқа»да шимдирилди (парафин + хлороформ 1:1) ва 37<sup>0</sup>С ҳароратда термостатда 1 соат давомида ушлаб турилди. Кейин препаратни термостатда 76<sup>0</sup>С иссиқликда 10:1 нисбатдаги парафин ва мумда ушлаб турилди, шундан сўнг охириги босқичда парафинга икки соатга қолдирдик. Тайёр блоклар чанок микротомларига мўлжалланган ва улардан 4-6 мкм қалинликда кесиб олинди ва предмет ойнасига монтаж қилинди ва бўёқлар билан бўялди

(гематоксилин + эозин). Микропрепаратлар «Биолап» рангли оптик микроскопда визуал кўрилди ва тасвирланди.

Беморларда артериал оқим ҳолатини баҳолаш мақсадида Siemens Sonoline G60S (Германия) аппаратидан фойдаланиб ултратовушли дуплекс ва триплекс ангиосканерлаш усуллари қўлланди. Ёнбош-сон сегменти артериялари визуализацияси учун 2-3,5 МГц ўлчовли қурилма, чов боғламларидан пастроқда жойлашган артериал қон-томирлар учун 5-10 МГц ўлчовли қурилмадан фойдаландик. Ушбу усулнинг афзаллиги ҳар қандай текисликдаги томирларнинг танланган жойида доплерда тўлқинларни қайд этиш билан вақтнинг ҳақиқий кўламида томирларнинг ноинвазив тасвирини олиш имконияти ҳисобланади. Усул ёрдамида қон-томир диаметри ва деворлари қалинлиги, окклюзия даражаси ва узунлигини аниқлаш, шунингдек, коллартериал қон-томирлар ҳолатини, гемодинамик кўрсаткичлар - қон оқимининг чизиқли ва ҳажман тезлиги, қаршилиқ индексини баҳолаш имкони мавжуд.

Энг юқори информатив ва скрининг кўрсаткичлар тўпиқ-елка индекси (ТЕИ) ҳисобланади. ТЕИ олд ёки орқа катта болдир суяк артериясидаги артериал систолик босимнинг елка артериясидаги ушбу кўрсаткичга нисбати сифатида ҳисобланади. Меъёрда ТЕИ 1,0 ни ташкил этади. Тадқиқотга киритиш учун ТЕИнинг 0,3 ва пастроққа тенг бўлган кўрсаткичларига эътибор қаратдик (Спиридонов А.А. ва бошқалар, 1996). Систолик босим 30 мм. рт. ст. дан юқори, регионар систолик босим индекс кўрсаткичи 0,3га тенг бўлган соҳадан ампутацияни амалга ошириш тавсия этилади (Галстян Г.Р. ва бошқалар, 2011). Ишемия даражасининг объектив кўрсаткичларидан бири резистентлиқ индекси (RI) - Pourcelot индекси ўлчами ҳисобланади. RI кўрсаткичи қанча паст бўлса, САЕ шунча оғирроқ бўлади (Айриян П.Э. ва бошқалар, 2004).

Рентгенконтрастли ангиография тадқиқот PHILIPS Allura Centron (Нидерландия) тизимидан фойдаланиб, сон ёки билак артериясини Сельдингер усулига билан катетеризациялаш орқали олиб борилди. Тадқиқот давомида олинган маълумотларга Microsoft Office Excel-2016 дастури стандарт тўплами ёрдамида статистик ишлов берилди.


Диссертациянинг **“Оёқларида критик ишемияси мавжуд диабетик товон синдроми бўлган аънанавий усулда болдирдан ампутация қилинган беморларни самарадорлигини баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида ДТС бўлган беморларни аънанавий даволаш самарадорлиги келтирилган.

Оёқларида критик ишемияси мавжуд ДТС нинг аралаш инфекция шакли билан операция қилинган 134 нафар беморни даволаш натижалари таҳлил қилинди.

Беморларни қабул қилишда аксарият ҳолларда умумий аҳволи ўртача ва оғир даражада бўлди: уларнинг барчасида тинч ҳолатдаги доимий оғриқ, трофик яралар, бармоқ ёки оёқ гангренаси, онемения, умумий ҳолсизлик, дармонсизлик, чанқоқ ҳисси, тана ҳароратининг 39<sup>0</sup>С ва ундан юқори кўтарилишидан шикоят қилишган. Барча беморларда организмнинг умумий

интоксикацияси белгилари: юқори гипертермия, пульс тезлашиши (тахикардия) дақиқасига 110 та ва ундан кўп юрак юриши, оғиз ва тери қуриши (гиповолемия белгилари) акс этган, аксарият беморларда уч кундан 5-6 кунгача ҳожатга чиқмаганлиги сабаб қорин дам бўлиши кузатилди. Зарарланган оёқда сезувчанлик бузилиши аниқланди: 82 (61,2%) нафар оёқ қисми зарарланган беморда сезувчанлик тўла йўқлиги ва оёқнинг маҳаллий гипотермияси, гиперемия ва терининг ярали-некротик нуқсони атрофида тери тўқималари шиши кузатилди. Зарарланган оёқ қон-томирларини дуплекс ангиосканерлашда аксарият ҳолларда қуйидагилар аниқланди: а. poplitea да стеноз ҳисобига қон-томирлар ўтказувчанлиги критик жиҳатдан пасайган, а. tibialis posterior, а. tibialis anterior, а. dorsalis pedis ўтказмайди, зарарланган оёқларни ангиографик текшириш ва дуплекс ангиосканерлаш доплер текшируви маълумотларини тасдиқлади: коллатерал ўтказувчанлик фақат болдирнинг учдан бир қисмига етган.

Қиёслаш гуруҳи беморларида клиникага келгунга қадар оёқларнинг йирингли-некротик зарарланиши давомийлигини таҳлил қилиш 134 нафар бемордан (100%), 68 (50,7%) таси клиникага 30 кундан кейин ва касаллик бошланганидан кечроқ келишганини кўрсатди. 79 (58,9%) та бемор клиникамизга муваффақиятсиз даволаш натижасида бошқа тиббиёт муассасаларидан мурожаат қилишди. Оёқ зарарланишининг IV-V даражаси бўлган аксарият беморларда касалхонага кеч мурожаат қилишда интоксикация ва анемия белгилари аниқланди. Қиёсий гуруҳнинг йирингли-некротик жараёни локализация частотаси асосан 1-бармоқда (15,6%), оёқ қафти (23,1%), болдир (18,7%) ва товон (23,4%) соҳасида (расм.1).



1-расм. Қиёсий гуруҳнинг йирингли-некротик жараёни локализацияси частотаси

Операцияга тайёрлаш метаболик ва электролит бузилиш ва уларни тузатишни баҳолашдан бошланди. Барча беморлар қандли диабет туридан

катъий назар “интенсив инсулинтерапия” тамойилига кўра қисқа таъсирли инсулинга ўтказилди. Интенсив инсулинтерапия тез-тез (кунига 3 мартадан кўпроқ), қисқа таъсирли инсулинни кун давомида гликемия даражасини диққат билан назорат қилиш орқали тери остига ёки кичикроқ дозани вена ичига юбориш (8-10 бир) ни қамраб олади. Оғир ҳолларда инсулинни (вена ичига ва тери остига) биргаликда юбориш амалга оширилди. Патогенетик терапия асосида альфа-липали кислоталар гуруҳи преапарати терапиясини кўлладик.

Кўллашга қарши кўрсатма мавжудлигида барча беморларга вена ичига, томчилаб кунига 50-60 минг бирликда гепарин юбориш тайинланди.

Симптоматик даволаш қуйидагиларни ўзида мужассамлаган: ностероид яллиғланишга қарши восита – диклофенак 3,0 мл х 1 мах (буйрак функциясини назорат қилиб), оғриқларни самарали камайтириш учун трициклик антидепрессантлар, В гуруҳ витаминларини жамлаган препаратлар.

Бактерияга қарши терапия оёқ юмшоқ тўқималарининг инфекцияли зарарланиши мавжудлигида тайинланди. Бактерияларга қарши дори воситаларини танлаш қуйидаги омилларга асосланган: микрофлораларнинг сезувчанлиги, хавфсизлик. Антибиотиктерапия оёқ терапияси турига кўра олиб борилди. Цефтриаксон 1,0мл х 2 мах суткада, Левофлоксацин 100 мл х 2-3 мах суткада, Метранидазол 100 мл х 3 мах суткада. Консерватив чоратадбирлар мажмуасига ёндош касалликларни даволаш ва қоннинг реологик хусусиятлари бузилишларини тuzатиш ҳам киритилган. Шошилиш жарроҳлик аралашувлари учун кўрсатмалар сифатида, биринчи навбатда, бармоқ ва оёқнинг нам гангренази, оёқ флегмонази, шунингдек, оёқ флегмоназининг болдир яллиғланишига ўтиши, беморнинг ҳаётига хавф соладиган жиддий захарланиш даражаси бўлди. Бундай ҳолларда операция одатда беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун амалга оширилди.

Йирингли-некротик жараённинг локализацияси бўйича таққослаш гуруҳидаги беморларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, касалликнинг энг хавфлиси оёқнинг биринчи бармоқ соҳасидаги патологик жараён билан тавсифланади, айниқса, бошқа бармоқларнинг бирлашишидан кўра унинг зарарланиши бошқа бармоқлар бирлашганда янада хавфли. Бу биринчи бармоқнинг топографик ва анатомик хусусияти билан боғлиқ. 1 (8,2%) нафар беморда жараён оёқнинг биринчи бармоғида жойлашган.

Беморларнинг ҳолатини баҳолаш мезонлари тананинг умумий интоксикацияси кўрсаткичлари бўлди. Уларнинг динамикаси 1-жадвалда акс этган.

1-жадвал

Қиёслаш гуруҳида захарланиш кўрсаткичлари ўзгариши динамикаси  
(n=134)

Кўрсаткичлар	Норма	Сутки				
		Ўтказилган кун	1 кун о/к	3 кун о/к	7 кун о/к	9 кун о/к

Тана ҳарорат и t <sup>0</sup>	36,6	39,1±0,04	38,4±0,04***	37,6±0,04***	37,0±0,04***	36,6±0,04***
L-қон	6,0	11,1±0,22	10,0±0,19***	9,0±0,17***	7,7±0,14***	6,5±0,13***
МЎМ	0,120	0,308±0,006	0,217±0,004***	0,166±0,003***	0,121±0,002***	0,101±0,002***
ИЛИ	1,2	3,9±0,07	2,9±0,05***	2,0±0,04***	1,4±0,03***	1,0±0,02***
ЭЧТ	10	54,1±0,98	40,6±0,79***	28,1±0,54***	17,3±0,33***	10,1±0,20***

Изоҳ: \* - кўрсаткичлар фарқи аввалги кун кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\*\*\*) - P<0,001), о/к- операциядан кейин.

Даволашнинг биринчи кунда беморларнинг тана ҳарорати ўртача 39,1±0,04 °Сни ташкил этди. Қондаги лейкоцитлар таркиби ўртача 11,1±0,22·10<sup>9</sup>/л га тенг бўлди. Ўртача молекулалар ҳажми ўртача 0,308±0,006 бирликни ташкил этди. Худди шундай ИЛИ ва ЭЧТ кўрсаткичлари 3,9±0,07 ва 54,1±0,98 мос равишда ошгани кузатилди. МСМ, L, ИЛИ, шунингдек, ЭЧТ нинг ошган миқдори ушбу тоифадаги беморларда яққол эндотоксикозни кўрсатди.

Даволашнинг учинчи кунда тана ҳарорати кўрсаткичлари 39,1±0,04 °С дан 38,4±0,04°Сгача сезилмас тушгани, қондаги лейкоцитлар миқдори ўртача 10,0±0,19·10<sup>9</sup>/л гача камайгани кузатилди. Қондаги МЎМ таркиби 0,217±0,004 бирликкача камайди. ЛИИ кўрсаткичларининг 3 кунда ўзгариши ҳам 3,9±0,07 дан 2,9±0,05 бирликкача пасайишга мойил бўлган. Бунда ЭЧТ ўртача 40,6±0,79 мм/г гача пасайди.

Даволашнинг еттинчи кунда таққослаш гуруҳидаги текширилган беморларда ГНПС билан таққослаганда сезилмас субфебрилитет (37,0±0,04°С) сақланиб қолди. Бунда организм захарланиши кўрсаткичларига кўра: қондаги L, МЎМ, ИЛИ ва ЭЧТ пасайишда давом этган, яъни нормаллашиш томонга мойиллик бўлган– 7,7±0,14, 0,121±0,002, 1,4±0,03, 17,3±0,33 мос равишда (P<0,001).

Қонда қанд миқдорини ўрганиш клиникага қабул қилинган вақтда у ўртача 14,6±2,4 ммоль/л ни ташкил этганини кўрсатди. Йирингли-некротик ўчокни йўқ қилиш ва операциядан кейинги даврда олиб борилган интенсив терапия қонда қанд миқдорини даволашнинг фақат 14-17 кунига келиб меъёрнинг юқори чегарасигача пасайишига ёрдам берди.

Қон томирларининг функционал ҳолатини ўрганиш дуплекс ангиография ёрдамида, регионар МСС ва МДСНИ аниқлаш орқали амалга оширилди. Касалхонага қабул қилинган кун а. Poplitea, a.tibialis posterior қон-томирларни текшириш МСС, МДС меъёрдан сезиларли паст бўлганини кўрсатди – 30,5±1,2 ва 2,2±0,16 мос равишда(P<0,001).

Шундай қилиб, таққослаш гуруҳи беморларининг натижа таҳлиллари оёқ критик ишемиясининг оғир даражасида тизза бўғимларини сақлаб қолишга имкон берувчи болдиргача ампутация усулини қўллаш оптимал

операция усули эканлигини кўрсатди ва бу ўлим кўрсаткичини пасайтиришга ёрдам беради, лекин операциядан кейинги даврда асоратлар олдини олмайди.

Диссертациянинг “**Камбалосимон мушаклари олинган майдондан (in vitro) ажралиб чиққан госпитал штамларига декасан, фурациллин ва хлоргексидин биглюконатларнинг микробларга қарши фаоллигини аниқлаш**” деб номланган тўртинчи бобида микроорганизмларнинг госпитал штамларига микробларга қарши декасан (0,02%), фурациллин, хлоргексидин эритмаларининг қиёсий тадқиқоти, микробларга қарши декасан, фурациллин ва хлоргексидиннинг *P.melaninogenica* га нисбатан фаоллигини қиёсий ўрганиш акс эттирилган.

Тажрибада декасаннинг антисептик эритмалар фурациллин ва хлоргексидин биглюконат билан таққослаганда самараси ўрганилган.

Қатиқ озуқа воситаси сифатида Мюллер-Хинтондан агаридан фойдаландик. Тест-экиш сифатида болдирнинг учдан бир қисмида ампутация қилинган ва қандли диабет фонида оёқларнинг критик ишемияси сабаб касалхонага ётқизилган йирингли жарроҳлик бўлими беморларидан ажралиб чиққан граммусбат ва грамманфий микроорганизмларнинг клиник штамmlаридан фойдаландик.

